



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 04 | pp. 157-164 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ



Атамурадов Шерзод Акрамович

Навоий давлат кончилиқ ва технология университети

Email: sher_zod@inbox.ru

ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-5511-6164>

Бахронова Шаҳодат Бахшудоевна

Навоий давлат кончилиқ ва технология университети

bakhronovashakhodat@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0008-0606-9398>

Бозоров Ғайрат Ўринович

Навоий давлат кончилиқ ва технология университети

<https://orcid.org/0009-0005-9771-891X>

gayrat_1984@bk.ru

Аннотация. Мақолада замонавий иқтисодиётда давлатнинг инновацион фаолиятни молиялаштиришдаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинади. Инновацияларнинг иқтисодий ўсиш ва миллий рақобатбардошликни оширишдаги ўрни очиқ берилади. Хорижий тажрибалар асосида самарали молиялаштириш механизмлари ўрганилади ва Ўзбекистон учун амалий таклифлар тақдим этилади.

Калит сўзлар: Давлат томонидан молиялаштириш, инновацион фаолият, иқтисодий ўсиш, миллий рақобатбардошлик, инновацияларни рағбатлантириш, молиялаштириш механизмлари, инновация сиёсати, иқтисодий тараққиёт, технологик инқилоб, илмий тадқиқотлар, самарали молиялаштириш

Аннотация. В статье анализируется роль и значение государственного финансирования инновационной деятельности в условиях современной экономики. Раскрывается роль инноваций в экономическом росте и повышении национальной конкурентоспособности. На основе зарубежного опыта исследуются эффективные механизмы финансирования и представлены практические предложения для Узбекистана.

Ключевые слова: Государственное финансирование, инновационная деятельность, экономический рост, национальная конкурентоспособность, стимулирование инноваций, механизмы финансирования, инновационная

политика, экономическое развитие, технологическая революция, научные исследования, эффективное финансирование.

Abstract. The article analyzes the role and significance of state financing of innovative activities in the context of the modern economy. The role of innovations in economic growth and increasing national competitiveness is revealed. Based on foreign experiences, effective financing mechanisms are studied, and practical recommendations for Uzbekistan are provided.

Keywords: State financing, innovative activity, economic growth, national competitiveness, promotion of innovations, financing mechanisms, innovation policy, economic development, technological revolution, scientific research, budget, effective financing.

Кириш

Замонавий иқтисодиётда инновацион фаолият иқтисодий тараққиётнинг асосий драйверларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Инновацияларнинг жадал ривожланиши нафақат иқтисодий ўсишни таъминлайди, балки миллий рақобатбардошлик даражасини ҳам оширади. Шу сабабли, жаҳон амалиётида давлат томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш масаласи катта аҳамият касб этмоқда.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштириш бир қатор сабабларга кўра зарурдир. Жумладан:

Биринчидан, инновацияларни жорий қилишда таваккалчилик даражасининг юқорилиги нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак – хусусий сектор кўпинча хатарли ва узоқ муддатли инновацион лойиҳаларга сармоя киритишдан қочади.

Иккинчидан, инновацион лойиҳаларни жорий этиш катта сармоя талаб қилинишини ҳисобга оладиган бўлсак, инновацияларни амалга ошириш учун йирик молиявий ресурслар керак бўлади, бу эса давлат томонидан қўллаб-қувватлашни тақозо этади.

Учинчидан, илмий-тадқиқот ва ишланмаларнинг ижтимоий самарасини таҳлил қиладиган бўлсак, давлат томонидан молиялаштирилган инновациялар жамиятнинг умумий манфаатига хизмат қилади.

Айниқса, ривожланаётган давлатлар учун инновацияларни қўллаб-қувватлаш мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ҳам инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат бюджетидан илмий-тадқиқот ишларига ажратиладиган маблағлар ҳажми оширилиб, стратегик муҳим тармоқларда инновацияларни қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилмоқда.

Адабиётлар таҳлили

Инновацион фаолият тушунчаси илк бор XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида иқтисодий таҳлил доирасида кўриб чиқилган. Инновация

тушунчасининг назарий асосларини ишлаб чиққан олимлардан бири австриялик иқтисодчи Йозеф Шумпетер бўлиб, у инновацияни иқтисодий ривожланишнинг асосий омили деб таъкидлаган. Шумпетернинг таърифича, инновация – бу янги маҳсулотлар, янги технологиялар ёки янги бозорларни яратиш жараёнидир. Унинг “креатив бузғунчилик” концепцияси инновациянинг мавжуд иқтисодий тизимларни қайта шакллантиришдаги ролини очиб берган.

Шумпетернинг **“The Theory of Economic Development”** (1911) асарида инновациялар иқтисодий ривожланишнинг асоси эканлиги таъкидланган. Унга кўра, иқтисодий ривожланиш – бу “креатив бузғунчилик” жараёни бўлиб, у мавжуд иқтисодий структураларни янги технологиялар, маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш усуллари орқали қайта шакллантиради. Шунингдек, у тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини иқтисодий ўсишда ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайди¹.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурати масаласи XX асрнинг иккинчи ярмида янада долзарб бўлди. Масалан, Пол Ромер ўзининг эндоген иқтисодий ўсиш моделида давлатнинг илмий-тадқиқот ишларига сармоя киритиши иқтисодий ўсишни жадаллаштиришини исботлаган. Унинг фикрича, билим ва инновациялар – бу иқтисодий ўсишнинг чексиз манбаи.

Ромернинг **“Endogenous Technological Change”** (1990) мақоласида инновациялар эндоген иқтисодий ўсиш моделида асосий омил сифатида кўрсатилган. Унинг фикрича, технологик тараққиёт ва билимлар жамланиши иқтисодиётнинг узлуксиз ўсишини таъминлайди. Давлатнинг илмий-тадқиқот ишларига молиявий кўмак бериши бу жараёни жадаллаштириб, иқтисодий самарадорликка олиб келади².

Адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, инновацион фаолиятни молиялаштиришда давлатнинг иштироки катта аҳамиятга эга. Иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш учун давлат томонидан молиялаштиришни самарали ташкил этиш зарур.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштиришнинг аҳамиятини ўрганишда бир қатор илмий тадқиқот методларидан фойдаланилди. Таққослама таҳлил методи орқали хорижий давлатларда инновацияларни молиялаштириш тизимлари ўрганилиб, уларнинг самарадорлиги Ўзбекистон шароити билан солиштирилди. Статистик таҳлил усулидан фойдаланиб, бюджет маблағлари, тадқиқотларга йўналтирилаётган инвестициялар ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири бўйича аниқ кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Шунингдек, ҳуқуқий ва иқтисодий таҳлиллар асосида давлат дастурлари, қонунчилик ҳужжатлари ва инновацияларни рағбатлантирувчи норматив базалар кўриб чиқилди. Тизимли ёндашув доирасида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг инновацион ривожланишдаги ўрни тизимли равишда баҳоланди. Қиёсий тафаккур методи эса

¹ Schumpeter, J. A. (1934). *The Theory of Economic Development: An Inquiry into Profits, Capital, Credit, Interest, and the Business Cycle* (R. Opie, Trans.). Harvard University Press. (Original work published 1911)

² Romer, P. M. (1990). Endogenous technological change. *Journal of Political Economy*, 98(5), S71-S102. <https://doi.org/10.1086/261725>

Ўзбекистондаги мавжуд муаммоларни хорижий давлатларнинг муваффақиятли тажрибалари билан қиёсий равишда ўрганиш ва уларнинг татбиқ этиш имкониятларини аниқлашда қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Мамлакатда сўнгги йилларда инновациялар соҳасини қўллаб-қувватлаш, илмий-тадқиқот ишларига молиялаштириш ҳажмини ошириш ва тадбиркорликда инновацияларни кенг жорий этиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентнинг "Инновацион ривожланиш стратегияси" доирасида инновацион лойиҳаларга грантлар, субсидиялар ва кредитлар ажратиш механизми йўлга қўйилди. Шунингдек, тадқиқотчилар ва илмий ходимларнинг фаолиятини рағбатлантириш, уларни халқаро тадқиқотлар жараёнига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар натижасида мамлакатдаги инновацион фаоллик кўрсаткичлари босқичма-босқич ўсиб бормоқда. Хусусан, технологик, маҳсулотлар бўйича ва жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган инновациялар соҳасида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Шу билан бирга, маркетинг ва ташкилий инновацияларни ривожлантириш бўйича ҳам аниқ қадамлар қўйилган. Аммо, ҳали ҳам мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва инновацион фаолликни янада жадаллаштириш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, инновацион фаолликни юксалтиришда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун инвестициявий муҳитни яхшилаш ва халқаро тажрибаларни самарали жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, замонавий иқтисодиётда инновацион фаоллик мамлакат тараққиёти ва миллий рақобатбардошликни оширишда муҳим рол ўйнайди. Давлат ва хусусий секторнинг инновациялар соҳасига қўшган ҳиссаси, шу жумладан, технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётининг янги босқичга чиқишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда инновацион фаоллик динамикасини таҳлил қилиш орқали ушбу йўналишдаги мавжуд ҳолат, муаммолар ва истиқболли йўналишларни аниқлаш имкони яратилади.

Қуйидаги таҳлилда 2020-2023 йиллардаги инновацион фаолликнинг асосий кўрсаткичлари, хусусан технологик, маҳсулотлар бўйича, жараёнлар бўйича, маркетинг ва ташкилий инновациялар соҳасидаги ўзгаришлар келтириб ўтилган

1-жадвал

Инновацион фаоллик таҳлили. (бирлик)

Йиллар	2020	2021	2022	2023
Технологик инновациялар	4 011	3 936	3 417	7 530

- Маҳсулотлар бўйича инновациялар	3 017	3 035	1 629	4 494
- Жараёнлар бўйича инновациялар	994	901	1 788	3 036
Маркетинг инновациялар	202	145	170	233
Ташкилий инновациялар	77	67	270	233

Манба. Статистика бошқармаси маълумотлари. www.stat.uz

Жадвалда ўтган тўрт йил давомида инновацион фаоллик динамикасини таҳлил қилганда, асосий эътибор технологик, маркетинг ва ташкилий инновациялар йўналишидаги ўзгаришларга қаратилади.

Технологик инновацияларга эътиборни қаратадиган бўлсак, 2020-2023 йилларда кескин ўзгаришларни кузатишимиз мумкин. 2020 йилда бу кўрсаткич 4011 бирликни ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб 3417 бирликгача пасайган. Бироқ 2023 йилда технологик инновациялар 7 530 бирликгача ўсган. Бу эса инновацияларнинг технологик йўналишда жадал ривожланаётганини кўрсатади.


- Маҳсулотлар бўйича инновациялар 2020 йилда 3017 бирликни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 1629 бирликга тушган. Лекин 2023 йилда маҳсулотлар бўйича инновациялар 4494 бирликгача ўсган. Бу эса янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларига эътибор кучайганини билдиради.

- Жараёнлар бўйича инновациялар 2020 йилда 994 бирликни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда 1 788 бирликгача ўсган. 2023 йилда эса бу кўрсаткич 3036 бирликга етган. Бу жараёнларни такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган инновацияларнинг кучайганини кўрсатади.

Маркетинг инновациялари бўйича кўрсаткичлар ҳам йиллар давомида ўзгарувчанлиги кузатилади. 2020 йилда 202 бирлик бўлган кўрсаткич, 2021 йилда 145 бирликга тушган ва 2022 йилда 170 бирликгача ўсган. 2023 йилга келиб эса 233 бирликга етди. Бу эса бозорда янги маркетинг стратегиялари ва усуллари қўллашга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганини кўрсатади.

Ташкилий инновациялар кўрсаткичи 2020 йилда 77 бирликни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 67 бирликга тушган. 2022 йилда бу кўрсаткич кескин ўсиб, 270 бирликни ташкил этган, аммо 2023 йилда 233 бирликга тушган. Бу ўзгаришлар ташкилотларнинг ички бошқарув тизимларини такомиллаштиришга қаратаётган эътиборини акс эттиради. (1-расм)

2023 йилда технологик инновациялар сони кескин ошгани эътиборга лойиқ. Бунда айниқса маҳсулотлар ва жараёнлар бўйича инновацияларнинг улуши катта бўлган. Маркетинг ва ташкилий инновацияларда ҳам муайян ўсиш кузатилмоқда, бу эса бозорда рақобатбардошликни таъминлаш ва ташкилий самарадорликни ошириш учун қўлланилган янги ёндашувлар натижасидир. Шу билан бирга, келгуси йилларда инновацияларнинг барча йўналишларида барқарор ўсишни таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.



Айни пайтда Ўзбекистонда инновацион фаолиятни янада кучайтириш мақсадида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Хусусан, "Инновацион ривожланиш агентлиги" фаолиятини такомиллаштириш, инновацион грантлар ажратиш механизмини соддалаштириш, илмий тадқиқотларни молиялаштириш тартибини янгилаш борасида қонунчиликда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Шунингдек, инновацион лойиҳаларни жорий этиш жараёнида фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш масаласи кун тартибида турибди. Бугунги кунда олий таълим муассасалари қошида фаолият юритаётган "технологик парклар" ва "инновацион марказлар" орқали талабалар ва ёш олимлар ўз лойиҳаларини амалга ошириш имконига эга бўлмоқда. Бу эса янги инновацион ғояларни амалиётга татбиқ этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Инновацион фаолликни кучайтиришдаги яна бир муҳим жиҳат – молиялаштиришнинг манбаларини диверсификация қилиш заруратидир. Ҳозирда асосий молиялаштириш манбаи давлат бюджети ҳисобланса-да, халқаро грантлар, хусусий сармоялар ва венчур капитал тизимини ривожлантириш орқали соҳага янада кўпроқ ресурсларни жалб этиш мумкин.

Шу билан бирга, инновацион фаолиятнинг ҳудудий жиҳатдан ривожланиш тенгсизлиги ҳам кузатишмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри ва айрим вилоятларда инновацион лойиҳалар кўпроқ рўёбга чиқарилаётган бўлса, чекка ҳудудларда бу жараён секин кечмоқда. Бу эса инновация инфратузилмасининг ҳудудий тараққиёт даражаси билан боғлиқдир.

Қўшимча равишда таъкидлаш жоизки, кадрлар салоҳияти ва инсон капитали ҳам инновацион фаоллик даражасига кучли таъсир кўрсатади. Илмий тадқиқотларни амалга оширадиган ёш олимлар сонининг нисбатан камлиги, уларнинг моддий рағбатлантирилишидаги муаммолар, хорижий тажрибалар билан

алмашув имкониятларининг етарли эмаслиги соҳанинг янада ривожланишига тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, замонавий иқтисодиётда инновацион фаолликни давлат томонидан молиялаштириш орқали рағбатлантириш иқтисодий ўсиш, миллий рақобатбардошлик ва технологик тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда инновацияларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида соҳа сезиларли ривожланиш босқичига кирган бўлса-да, ушбу жараёни янада жадаллаштириш учун қўшимча чоратadbирлар зарур.

Олиб борилган тадқиқот ва таҳлилларга таянган ҳолда қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг диверсификацияланган механизмларини шакллантириш зарур. Жумладан, давлат грантлари, субсидиялар, солиқ имтиёзлари билан бир қаторда венчур капитал ва краудфандинг каби хусусий сектор асосидаги молиялаштириш турлари ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ.
2. Инновацион тадқиқотлар ва ишланмаларни тижоратлаштириш механизмларини такомиллаштириш зарур. Бу борада университетлар, илмий марказлар ва бизнес субъектлари ўртасида кластер ва инкубатор шаклидаги ҳамкорлик платформалари яратилиши керак.
3. Таълим тизимида инновацион фикрлаш ва тадбиркорлик қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бунинг учун олий таълим муассасаларида стартап курслари, амалий лабораториялар ва рақамли инновация марказлари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.
4. Маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун инновацион муҳитнинг ҳуқуқий ва институционал асослари янада мустаҳкамланиши керак. Инновацион лойиҳалар учун махсус инвестицион рейтинглар, имтиёзли кредитлар ва кафолат механизмлари жорий этилиши муҳим ҳисобланади.
5. Инновацион фаолиятни рағбатлантиришда давлат-хусусий шериклик муносабатлари кенгайтирилиши лозим. Давлат томонидан ресурслар тақдим этилиши билан биргаликда хусусий секторнинг юқори самарадорликка эришишга қаратилган ёндашувларини бирлаштириш имконини берадиган моделлар жорий этилиши талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ашурова Н. Б. Атамурадов Шерзод Акрамович Хорижий мамлакатларда венчур капитали бозорининг институционал субъектлари //International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences. – 2021. – Т. 1.
2. Ulashev I. O. Atamuradov Sh //A. Korxona iqtisodiyoti va menejmenti. O'quv qo'llanma. Toshkent-2013. – 2013.
3. Атамурадов Ш. А. Жаҳон амалиётида венчур капитали бозорининг ташкилий субъектлари //Экономика и финансы (Ўзбекистан). – 2023. – №. 1 (161). – С. 58-65.

4. Атамурадов Ш. А. Инновацион тадбиркорлик фаолиятини венчур фондлари орқали молиялаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш //Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т. 8.
5. Атамурадов Ш. А. Венчур инвестицияларининг глобал тенденциялари ва ўзбекистон тажрибалари //Raqamli iqtisodiyot (Цифровая экономика). – 2024. – №. 9. – С. 11-24.
6. Атамурадов Ш. А. Корхонанинг инновацион фаолиятини стратегик режалаштиришда Boston Consulting Group (BCG) матрицасидан фойдаланиш //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2022. – №. 12 (160). – С. 43-50.
7. Атамурадов Ш. А. Инновацион фаолиятни ривожланишга йўналтирилган инвестициялар таҳлили //International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 19-24.
8. Акрамович А. Ш. Инновацион тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда институционал ислохотларнинг аҳамияти //Raqamli iqtisodiyot (Цифровая экономика). – 2025. – №. 10. – С. 22-33.
9. Инновацион тадбиркорлик фаолиятида стратегик бошқарувнинг аҳамияти. (2024). Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting, 4(10), 309-316. https://doi.org/10.55439/AFA/vol4_iss10/730
10. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида стратегик бошқарувнинг аҳамияти . (2024). Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil, 2(11), 392-403. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss11-pp392-403>
11. Инновацион фаолиятни ривожлантиришда ғарбий европа мамлакатлари тажрибаси ҳамда ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар. (2024). Ilg'or Iqtisodiyot Va Pedagogik Texnologiyalar, 1(2), 238-249. <https://doi.org/10.60078/3060-4842-2024-vol1-iss2-pp238-249>
12. Bahronova, S. (2023). MOLİYAVIY XIZMATLARDAN FOYDALANISHDA MOLİYAVIY SAVODXONLIKNING AHAMIYATI. *Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка*, 250-252.
13. Bahronova, S. B. (2024). Comparative analysis of methods for assessing the financing of innovative developments of the enterprise. *Indexing*, 1(1).
14. Baxshulloyevna, B. S. (2024). HUDUDDA ASOSIY KAPITALGA KIRITILGAN INVESTITSİYALAR TAHLILI VA ULARNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI (NAVOIY VILOYATI MISOLIDA). *TADQIQOTLAR. UZ*, 52(3), 15-24.
15. Bahronova, S. B. (2024). RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR-INNOVATSION IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHNING ASOSI. *Indexing*, 1(1).
16. Bahronova, S. B. (2024). Iqtisodiy fanlarni o'qitishda raqamli va innovatsion texnologiyalardan foydalanish. *Indexing*, 1(1).

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

